

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ УЛУГБЕК УСМАНОВИЧ**

**ОИВ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН ПСИХОАКТИВ МОДДАЛАРНИ  
ИСТЕЪМОЛ ҚИЛУВЧИ БЕМОРЛАРДА РУҲИЙ БУЗИЛИШЛАРНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА ДИНАМИКАСИ**

**14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2018**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
medical sciences**

**Очилов Улугбек Усманович**

ОИВ билан зарарланган психоактив моддаларни  
истеъмол қилувчи беморларда руҳий  
бузилишларнинг шаклланиши ва динамикаси . . . . .3

**Очилов Улугбек Усманович**

Формирование и динамика психических  
расстройств у ВИЧ-инфицированных больных,  
употребляющих психоактивные вещества. . . . .21

**Ochilov Ulugbek Usmanovich**

The formation and dynamics of mental  
disorders in HIV-infected patients,  
abusing psychoactive substances . . . . .39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . .43

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ УЛУГБЕК УСМАНОВИЧ**

**ОИВ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН ПСИХОАКТИВ МОДДАЛАРНИ  
ИСТЕЪМОЛ ҚИЛУВЧИ БЕМОРЛАРДА РУҲИЙ БУЗИЛИШЛАРНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА ДИНАМИКАСИ**

**14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2018**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017/2/PhD/Tib170 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.timpe.uz](http://www.timpe.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Магзумова Шахноза Шахзадэевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунходжаева Людмила Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллажанова Шахло Журахановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44, e-mail: [info@timpe.uz](mailto:info@timpe.uz)).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**У.Х. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2016 йилдаги гиёҳванд моддалар истеъмолининг зарарлари ҳақидаги маълумотларига кўра, «Гиёҳванд модда истеъмоли оқибатида 1,6 миллион нафар одам иммунтанқислиги вирусига (ОИВ) чалинган»<sup>1</sup>. Психоактив модда истеъмоли қилувчилардаги руҳий бузилишлар ОИВ инфекцияси билан бевосита боғлиқ. Бу тоифа беморларнинг ўз вақтида даволанмаслиги ОИВ эпидемиясининг тарқалиб кетиш хавфини кучайтирмоқда. ОИВ инфекциясига чалинган беморларнинг турли босқичлардаги руҳий соғломлиги, жумладан, беморларнинг руҳий эҳтиёжларини қондириш, руҳий бузилишлар профилактикаси ва даволаш касаллик муаммолари ечимида муҳим омил ҳисобланади.

Дунёда психоактив моддалар истеъмоли оқибатида ОИВ инфекциясига чалиниб, руҳий бузилишлари кескинлашган беморларни эрта босқичда ташхислаш, даволашга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мақсадли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада психиатрия ва наркологиya хизматини замонавий талаблар асосида ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли дастурий тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Натижада касалликнинг олдини олиш, руҳий бузилишлар мавжуд ва гиёҳванд моддаларга тобе бўлган беморларни даволаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишда муайян ютуқларга эришилмоқда. Психоактив моддалар қабул қилувчи ОИВ-инфекциясига чалинган беморлар учун клиник хусусиятлар ва руҳий бузилишлар динамикаси, уларнинг касаллик кечишига таъсири, даволаш ва диагностика тадбирларини режалаштириш ҳозирги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида терапевтик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда. Шулар билан бир қаторда ушбу касалликлар профилактикаси бўйича соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча муаммолар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада ОИВ инфекциясига чалинган психоактив модда қабул қилувчи беморларда салбий ҳиссий ҳолатларга олиб келадиган руҳий бузилишларнинг шаклланиши ва кечиши динамикасини аниқлаш, аҳолининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳоли

<sup>1</sup> UNODC, United Nations Office on Drugs and Crime World Drug Report 2016//<http://www.unodc.org/wdr2016/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

касалланиш кўрсаткичларининг пасайиши ва ҳаёти давомийлигининг узайишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли ва 2018 йил 16 мартдаги «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3606-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур тадқиқотлар натижасига кўра психоактив моддалар қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларнинг руҳий бузилишлари ва ҳаёт сифатини шакллантиришдаги муаммоларини тадқиқ қилишда кўпгина муаллифлар томонидан фақат мавжуд айрим муаммолар ёритиб берилган.

ОИВ билан зарарланган психоактив модда истеъмол қилувчи беморларда юқумли касалликнинг клиник кечиши намоён бўлмаган ҳолда дистресснинг кечиши ва ўз ҳолатининг оғирлиги юқори баҳоланади, психопатологик симптоматика билан кечганда эса соматизация, хавотирланиш ва шахслараро мулоқатнинг сензитивлиги кузатилади [Бузина Т.С., 2016]. ОИВ инфекцияси наркологик бузилишларда, ҳам ҳулқ-атворнинг асосий психологик бошқарувчиси, ҳам суиқасднинг фаоллашуви сифатида намоён булади [Jia С. X., Mehlum L., Qin P., 2012].

Муаллифлар томонидан опийли гиёҳвандлик ремиссиясининг клиник хусусиятлари ва рецидивининг пайдо бўлиш шароитлари ўрганиб чиқилган. Касалликнинг эрта қайталанишига олиб келувчи эндоген омиллар кўрсатиб ўтилган [Турсунходжаева Л.А. ва бошқ., 2012]. Наркотик моддаларга тобелиги бўлган беморларнинг коморбид патологик таъсири, клиник ва клиник-психологик тадқиқотларнинг қиёсий натижалари беморларда пайдо бўлишининг қатор ўзига хос хусусиятларини ва гиёҳвандликнинг жараёнини аниқлайди [Алимов У.Х. ва бошқ., 2013].

Опийли гиёҳвандликда тезда жисмоний ва руҳий қарамлик шаклланиб, толерантлик маълум даражага етиб, юқори дозадаги опиатлар талаб қилинади. Бунинг натижасида оғир тиббий-ижтимоий оқибатлар пайдо бўлади: умумий ҳолсизлик, маҳаллий ва умумий инфекцияларнинг қўшилиши, соматоневрологик касалликлар, ОИТС ҳамда руҳиятда турғун бузилишлар ривожланиши кузатилади [Имамов А. ва бошқ., 2013]. Алкоголизмнинг манфий тарафларидан бири шуки, бу тоифадаги беморларда

ижтимоий хулқ-атворнинг бузилиши шаклланади. Устунлик қиладиган девиант хулқ-атвор инсоннинг соғлиги ва руҳиятини парчалаб, ундаги асосий инсоний сифатларини йўқотади [Ашуров З.Ш. ва бошқ., 2015].

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Психо-неврология, наркология ва тиббий психология муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишларнинг шаклланиши ва динамик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

психоактив модда қабул қилувчи, ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишларнинг структураси ва динамикасини аниқлаш;

психоактив модда қабул қилувчи, ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишларнинг шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий ва атроф-муҳит омилларининг ролини тавсифлаш;

психоактив модда қабул қилувчи, ОИВ инфекциясига чалинган беморларда адреналиннинг миқдори асосида каттиқ ҳаяжон ҳолатини баҳолаш;

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда психологик ҳолат ўзгариш босқичларини ва таққосий психокоррекция таъсирни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Самарқанд шаҳридаги вилоят наркологик диспансерида даволанаётган ва ОИТС марказида рўйхатда турган психоактив моддалар қабул қилувчи, ОИВ инфекциясига чалинган 280 бемор, назорат гуруҳи сифатида эса вилоят наркологик диспансерида рўйхатда турган психоактив моддалар қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинмаган 120 бемор ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишлар динамикаси ва структурасини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-психопатологик, психологик, биохимик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишлар ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари аниқланган;

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишларни ифодаловчи клиник хусусиятлар тизимли тавсифланган;

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишлар ҳолатларида касаллик ривожланишининг хавф омиллари аниқланган;

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий ҳолатнинг ўзгариш босқичларини инобатга олган ҳолда психокоррекцион тадбирлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишлар ривожланишига боғлиқ бўлган омиллар аниқланди ва бу руҳий хасталикни пайдо бўлишнинг олдини олиш имконини яратган;

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишларни камайтириш мақсадида АРВ-терапиянинг ўрни ўрганилиб, беморларда АРВ-терапия содиқлигига кўникмаларини шаклланиши баҳоланган;

психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларга консультация босқичлари, ҳар бир босқичда таъсир қилишнинг мақсад ва йўналишлари бўйича кўрсатмалар тавсия этилиб, мазкур тоифадаги беморларда руҳий бузилишлар ривожланишининг хавфини камайтириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектив клиник, психологик ва лаборатор-инструментал ҳамда статистик текшириш усуллари асосида амалга оширилганлиги, рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида олингани, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморлар учун даволаш-реабилитацион тадбирларни такомиллаштириш имконини беради ва беморларга психиатр, наркологлар томонидан оптимал ёрдам кўрсатиш ҳамда руҳий бузилишлар профилактикасига таъсир кўрсатишнинг илмий асослаб берилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий бузилишларни ўз вақтида ташхислашдан иборат. Амалий ва назарий тадқиқот натижаларини тиббиёт олий ўқув юртларида, малака ошириш ва кадрлар тайёрлашда, ҳамда нарколог, психиатр ва ОИТСга қарши курашиш маркази шифокорларига дипломдан кейинги ўқитишда қўллаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ОИВ билан зарарланган психоактив моддаларни истеъмол қилувчи беморларда руҳий бузилишларнинг шаклланиши ва динамикаси бўйича олинган натижалар асосида:

«ОИВга чалинган, психоактив моддаларни истеъмол қилувчи беморларга маслаҳат беришнинг асосий тамойиллари» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (ЎзР ССВнинг 2016 йил 4 ноябрдаги 8н-м/163-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ билан зарарланган психоактив моддаларни истеъмол қилувчи беморларга босқичма-босқич маслаҳат бериш ва психотерапия усуллариининг қўлланилиши, беморларни стационарларда даволаниш давомийлигини қисқартириб, дори моддалари ва

асоратлар профилактикасига сарф-харажатларни камайтириш имконини берган;

ОИВ билан зарарланган психоактив моддаларни истеъмол қилувчи беморларнинг рухий бузилишлари ривожланиши, ҳаёт сифати ва реабилитацион чора-тадбирлар бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Самарқанд ва Жиззах вилоят наркологаик диспансерлари амалиётига жорий этилган (ЎзР ССВнинг 2016 йил 1 декабрдаги 8н-д/74-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида беморларнинг атроф-муҳит ва оила аъзолари ёрдамида ижтимоий мослашуви ҳамда беморларга тиббий ёрдам курсатишни яхшилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ОИВ билан зарарланган психоактив моддаларни истеъмол қилувчи беморларда рухий бузилишлар**» деб номланган биринчи бобида кўрсатилган муаммо бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда керакли илмий-амалий маълумотлар берилиб, психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморларда рухий бузилишларнинг клиника ва динамикасидаги муаммолар таҳлили, беморларда ОИВ инфекциясига чалиниш ҳақидаги хабарга клиник-психологаик хусусиятларнинг реакцияси, ОИВ инфекциясига чалинган беморларда рухий бузилишларнинг пайдо бўлиш предикторлари ҳамда бу тоифадаги беморларга ёрдам кўрсатишнинг таҳлили кўрсатилган.

Диссертациянинг «**ОИВ билан зарарланган психоактив моддаларни истеъмол қилувчи беморларда руҳий бузилишларни текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва усуллари таърифи келтирилган. Тадқиқот объекти 2012-2016 йилларда Самарқанд вилоят наркологик диспансери ва ОИТСга қарши кураш марказида рўйхатга олинган психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморлар ҳисобланади. Текширилаётганлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи (асосий) гуруҳга ОИВ инфекциясига чалинган психоактив моддага тобеликдан азият чекувчи вилоят ОИТС марказида диспансер рўйхатига олинган, шунингдек вилоят наркологик диспансерида рўйхатда турувчи 280 бемор киритилди. Иккинчи (назорат) гуруҳга психоактив модда қабул қилувчи лекин ОИВ инфекциясига чалинмаган вилоят наркологик диспансерида рўйхатда турадиган 120 бемор киритилди. Беморлар гуруҳлари жинси, ёши, яшаш жойи, психоактив модда қабул қилиш тури ва вақти тенг таққосланган бўлиб, уларнинг натижаларини кейинчалик қиёслаш, ишончли деб ҳисоблаш имконини беради.

Тадқиқотнинг ишлаб чиқилган дизайни билан боғлиқ демографик кўрсаткичлар, клиник, ижтимоий ва атроф-муҳит таъсири, наркологик анамнез, руҳий шикастланиш симптомлари, депрессия ва хавотирланишнинг баҳоланиши, АРВ-терапиясига беморларнинг клиник реакцияси, соматик, ҳулқ-атворли ва ҳиссиёт соҳалардаги қаттиқ ҳаяжон реакцияларининг намоён бўлиши ва бир суткалик пешобда адреналин миқдори ўрганилиб, текширилаётган беморларда руҳий бузилишларнинг ривожланишга таъсир қилувчи омиллар таҳлили ўтказилди.

Диссертациянинг «**Психоактив моддаларни истеъмол қилувчи, ОИВ билан зарарланган беморларда руҳий бузилишларнинг клиник кечиши ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ОИВ инфекцияси билан зарарланганлиги маълум қилингандан сўнг пайдо бўладиган солиштирма клиник хусусиятлари ўрганилган. Руҳий бузилишлар ташхис маълум қилингандан кейин даволаб бўлмайдиган касаллик ҳақидаги маълумот реакция сифатида кўриб чиқилди. Давом этадиган нохуш ички ихтилоф беморда қаттиқ ҳаяжон, асосий туртки механизми ҳисобланиб, турғун клиник синдромларнинг шаклланишига таъсир қилади. ОИВ инфицирланишига хабар берилиши, қаттиқ ҳаяжон омили ҳисобланиб, алкогольизм ва опийли гиёҳванд беморларнинг ўзгарган шахсиятига бориб тақалишига эътиборни қаратиш зарур.

**1-жадвал.**

**ОИВ инфицирланиши тўғрисидаги хабарга боғлиқ беморлар тақсимланиши**

	ОИВ-инфицирланиши тўғрисидаги хабарга реакция	Гуруҳ 1, n=280	
		абс.	%
1 куйи гуруҳ	Патологик реакция	56	20,0
2 куйи гуруҳ	Психологик реакция	224	80,0
	Жами:	280	100,0

Асосий гуруҳдаги беморларнинг клиник ҳолати ОИВ инфицирланиши ҳақида маълум бўлгандан сўнг икки гуруҳга бўлинди (1-жадвал).

Психоген реакция оқибатида 1 қуйи гуруҳдаги беморларда хавотирли-депрессив, астено-депрессив ва истеро-депрессив бузилишлар кузатилди. 53,3% (31) беморда хавотирли-депрессив бузилишлар кузатилган бўлиб, уларга ўз ҳаёти, фарзандлари учун хавотирланиш, ОИВ инфекциясини ташувчи тамға, атрофдагилар унинг ташхисини билишидан қўрқиши натижасида шифокорлар билан мулоқотга бормаслиги намоён бўлди. Бу тоифадаги беморларда мастлик пайдо бўлиш жиҳатларида ўз жонига қасд қилиш фикрлари, ғам-ғусса, ўзининг тақдири ва атрофдагиларга бепарволик, жисмоний ва руҳий қулайликнинг йўқолиши кузатила бошлади. Депрессиянинг юқори такрорланиши коморбид патологиянинг мавжудлиги (психоактив моддага қарамлик ва ОИВ инфекцияси) ва даволаб бўлмайдиган касаллик ҳақидаги ҳақиқатни қабул қилишига боғлиқ.

28,6% (16) беморда ўзига хос хусусиятда турли даражадаги оғирликда астено-депрессив симптоматика кечиши ҳисобланади. Уларга апатик кечишли кайфиятдаги пассивлик, ҳаракатнинг тормозланиши ва умумий ҳолсизлик хос. Шу билан биргаликда қизиқишларнинг ва истакларнинг йўқлиги, атроф-муҳит ва ўзининг ҳолатига бефарқлиги, «ўзининг тақдирига» нисбатан жаҳлдорлиги, ОИВга боғлиқ ёрдам кўрсатилишига ёки таклифларга қаршилиқ қилиши кузатилди.

Шу гуруҳдаги 9 нафар (16,1%) беморда истеро-депрессив синдром, оиласига ва тиббий аралашиларга норозичиликларга, шахсий қийналишига диққатини жалб қилиши, ўзининг бахтсизлигини намоён қилиши билан кузатилди. Беморлар қарамликни, даволаш имкониятларини, психоактив модда истеъмолини рад қилишини муҳокама қилиб, бирданига ОИВ билан боғлиқ ноадекват талаблар ва шикоятларга ўтиб «нимадир қилишни» илтимоси билан тугарди. Атрофдагилар фикри ва танқидига нохушлиқ, ғаразлик яққол кўринарди. Даволашнинг зарурлигига расман тушуниб, амалда беморлар қарамликдан соғайиш ва қутулишга қадам ташламайди.

Абстинент ҳолатда руҳий шикоятларнинг жисмоний шикоятлардан устунлигининг ягона тенденцияси кузатилди. Бироқ, агар 2-гуруҳдаги беморлар учун руҳий шикоятларнинг частотаси жисмоний шикоятларга нисбатан 1,5 марта юқори бўлса, 1-гуруҳ беморларда 25,2 мартани ( $P < 0,001$ ) ташкил қилди.

Назорат гуруҳидаги беморлар учун психоген таъсирларга жавоб сифатида дисфория ва истеро-қўзғатувчи реакциялар хос эди, бироқ хавотирли-депрессив ҳолатлар деярли кузатилмади. ОИВ инфекцияси бўлмаган алкоголизмдан азият чекувчи беморларда вазиятни ўз фойдасига қўллаш элементлари бўлган истеро-қўзғатувчи психоген реакциялар тез-тез учраб турди. Бу ҳолатлар қўзғалувчан ва аччиқланиш ҳисси бўлган асосий гуруҳдаги беморлардаги каби узоқ давом этмади. Бундан ташқари, беморларда бўлган бошқа психопатологик синдромлар билан бирга аффект ҳолатида қайғуга ботиш, изҳор қилиш, ОИВ инфицирланишда ҳулқ-атвори, у билан боғлиқ муаммолар ва чорасизлик кузатилди.

Депрессив ва хавотирли ҳолатларнинг ифодаланиши нафақат беморнинг ҳолатига, балки ОИВ инфицирланиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг кечиши ва натижасига ҳам таъсир кўрсатади. ОИВ инфицирланиш омили аффект бузилишларнинг клиникасини, беморларнинг хавотирланишини, уларнинг эмоционал таъсирчанлигини ўзгартиради, ҳамма беморлар ўзларидаги ҳиссий шикастланишларнинг пайдо бўлиши бу ОИВ инфекцияси ташхисининг қўйилиши ва хабар берилган дақиқа деб уйлашлари эътиборлидир. Асосий гуруҳдаги текширилаётган беморларда аффект бузилишлар ОИВ инфекциясидан кейин (52,8%) 1 йилдан 3 йилгача давр оралиғида, камдан-кам ҳолатларда бир йилгача давр оралиғида (21,8%) учрайди. Аффектив бузилишлар 3 йилдан 5 йилгача давр оралиғида фақат 13 та беморда (4,6%) аниқланди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, ОИВ инфекциясига чалинган беморларда руҳий шикастланишлар тез-тез ташхис қўйилган дақиқадан ташхисга жавоб сифатида пайдо булувчи аффект – хавотирли ва депрессив синдромларни ифодалайди.

Беморнинг мастлик вақтидаги салбий хавотирланишлари томон силжиши, яъни ОИВ инфицирланишда салбий ранг-баранг ҳиссий ҳолатларда, мастлик структурасида хавотирланишлар устунлиги таъсир қилади. Эҳтимол, қийин муаммони тушуниб етиш муҳимлигини, иккала касаллик, ҳам қарамлик (тобелик) ҳам ОИВ, ўлим муқаррарлиги ва жамият томонидан таҳқирланишини ҳис қилиш стигма ҳисобланади ва бу нафақат беморнинг ҳиссий ҳолатига балки мастликнинг клиник манзарасида намоён бўлади.

2 қуйи гуруҳ беморларда яъни 224 беморда (80,0%) ОИВ ҳақидаги хабарга психологик реакция кузатилди. Уларга хос: яққол ваҳима ҳиссиёти – ўлим ваҳимаси, азобланиб ўлиш, ёлғизликда, хусусан, яқинларига юқтириш ва атрофдагилар томонидан таҳқирланиш эҳтимоли, касаллик прогнозидан ташвишланиш, ташхисни ошкор қилиш эҳтимоли, вазиятни ва ОИВ инфицирланиш оқибатларини ўзгартириш имкониятининг йўқлигидан ташвишланиш, тегишли даволашнинг йўқлиги, ўзининг жинсий ҳаёти ва чегараланишлари ҳақида шифокорларга маълум қилишнинг муҳимлиги, хусусан, унда ўзини-ўзи чегаралашлар, мавжуд оиласининг бузилиш эҳтимоли, микро муҳит томонидан ишончсизлик ва янги оила қуриш, фарзандлар кўришнинг имкони йўқлигидан ваҳимага тушиш яққол ифодаланди. Ҳиссий реакциялар ўзларининг соғлиқлари ҳақида ўйлашга ҳалақит беради, шундай дақиқаларда беморлар тинчланишни алкоголь ва гиёҳванд моддадан излайди, лекин истеъмол қилиш уларни тинчлантормайди, беморлар аҳволини оғирлаштиради. ОИВнинг ташвишланиш спектри ва муаммолари изтироб ва қўйилган ташхисга кўникишни хоҳламаслик билан боғлиқ тушкунликка тушишдан то тажовузкорлик реакциясига қадар кенгдир.

Шунга қарамасдан назорат гуруҳидаги беморлар учун психологик ситуацион реакциялар характерли эди, лекин ОИВга чалинган беморлар учун ташвишланиш хос эди, назорат гуруҳидаги беморлар учун аччиқланиш, ғазабланиш, ғамга ботиш ( $P < 0,001$ ) каби ҳиссиётлар характерли эди.

Наркологик касалликларнинг симптоматикаси авж олиши билан боғлиқ бўлган асосий гуруҳдаги беморларда психологик ҳолатлар: психоактив моддага патологик мойиллигининг актуализацияси, психопатсимон реакциялар, астеник бузилишларнинг чуқурлашуви кузатилди. 2 куйи гуруҳдаги 224 беморда 14,3% (32 бемор) ОИВ инфицирланиш ҳақидаги хабаргача ремиссия кузатилди, уларнинг 53,1%ида ОИВ хабари маълум қилингандан кейин касалликнинг кучайиши кузатилди.

Алкоголизмли беморлар ўртасида кўпроқ патологик реакция, психологик реакция эса аралаш истеъмол қилувчи беморлар ўртасида ( $P < 0,001$ ) учрайди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Қарамликнинг турига қараб асосий гуруҳ беморларининг бўлиниши**

Психологик реакция	1 куйи гуруҳ, n=56		2 куйи гуруҳ, n=224		P
	абс.	%	абс.	%	
Алкоголизм	19	33,9	28	12,5	<0,001
Наркомания	34	60,7	135	60,3	>0,05
Алкоголизм + наркомания	3	5,4	61	27,2	<0,001
Жами	56	100	224	100	>0,05

Деярли барча беморларда мастлик ҳолатининг ўзгариши кузатилди. Мастлик ҳолатида ички жисмоний ва руҳий дискомфорт билан боғлиқ аччиқланиш ва ғазабланиш, жаҳлдорлик, тушунарсиз қоникмаслик, яшашга хоҳишнинг йўқлиги ОИВ инфицирланиш ҳақидаги хабар билан боғлиқ ички хавотирланиш, ваҳималардан дарак беради. Назорат гуруҳидаги беморларда мастлик ҳолатидаги кўрсатилган ўзгаришлар кузатилмади.

**3-жадвал**

**Кузатиш давомида психоактив модда истеъмол қилишни тўхтатган беморлар**

	Истеъмол қилишни тўхтатган		Истеъмол қилишни давом эттираяпти		Жами абс
	абс.	%	абс.	%	
1 куйи гуруҳ	5	8,9	51	91,1	56
2 куйи гуруҳ	57	25,4	167	74,6	224
2 гуруҳ	26	21,7	94	78,3	120

ОИВ инфицирланиш билан боғлиқ ривожланувчи реакциялар беморлар томонидан психоактив модда истемолининг тўхтатилиши ўрганилди (3-жадвал). Асосий гуруҳдаги 22,1% (62 бемор) беморлар ҳозирги кузатувлар даврида психоактив модда истеъмол қилишдан воз кечди. Назорат гуруҳидаги бу кўрсаткич 21,7% (26 бемор)ни ташкил қилди.

Кузатиш вақтида психоактив модда истеъмолдан воз кечганлар сонидagi сезиларли фарқ кузатилмади ( $P < 0,05$ ). Лекин воз кечиш сабабларида айрим фарқлар бор эди. Психоактив модда истеъмолдан воз кечишнинг асосий сабаби иккала гуруҳда ўтказилаётган тиббий аралашув

(39,7% асосий гуруҳда ва 69,3% назорат гуруҳида) бўлиб, асосий гуруҳда аҳамиятли даражасига кўра соғлиги билан боғлиқ муаммолар, психоактив модда қабул қилишдаги олдинги психологик қулайликнинг йўқлиги, назорат гуруҳида эса беморлар учун оиланинг таъсири сезиларли даражада бўлди. Демак ОИВ инфицирланишнинг кўшилишини мастлик клиникасини ва руҳий таъсирланишни жисмоний ҳолатга ўзгартириб, беморларнинг психоактив моддани кейинги истеъмолидан воз кечишига сабаб бўлади.

Асосий гуруҳдаги ОИВ инфекцияси бўлган психоактив модда қабул қилувчи 31 беморнинг (11,1%) ва назорат гуруҳидаги 3 бемор (2,5%)нинг депрессив ҳолати батафсил ўрганилди. Тадқиқотда HDRS депрессиясини баҳолаш учун Гамильтон шкаласидан фойдаланилди. Текширилаётган гуруҳлар ўртасида депрессив бузилишларнинг даражаси ҳар ҳил бўлди. Психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморлар ўртасида – ўртача (48,3%) ва оғир (29,1%) депрессив ҳолатлар тўғри келди. 22,6% бемордаги енгил депрессия, тушкунликка тушиш кайфияти каби симптомлар кузатилди, лекин шунга қарамадан улар бирламчи фаолият билан шуғуллана олди. Ўртача депрессив ҳолатлар мос равишда 48,3% ва 33,3%га тўғри келди, депрессиянинг анча оғир формалари асосий гуруҳдаги 29,1%да кузатилди ва назорат гуруҳида кузатилмади. Шунини таъкидлаш лозимки, депрессив ҳолатлар психоактив модда қабул қилишдан воз кечган вақтда кузатилди.

Таққосланаётган гуруҳларда, шунингдек, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатлар кузатилди. Асосий гуруҳдан 9,7% ва назорат гуруҳидан 66,7% беморлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш фикрлари ва ҳаракатлари аниқланмади. Асосий гуруҳдан 64,5% беморда яшашни истамаслик фикрлари пайдо бўлди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 33,3%ни ташкил қилди. Ўз жонига қасд қилиш фикрлари, ривожланиш хавфи асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,94 марта кўпроқни ташкил этди. Ўз жонига қасд қилиш каби фикрлар асосий гуруҳда 25,8% беморларда кузатилди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич кузатилмади. Иккала гуруҳ ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатида ўлимга олиб келган вазиятлар кузатилмади.

Шундай қилиб, психоактив модда қабул қилувчи ОИВ инфекциясига чалинган беморлар ўртасида ОИВ инфекциясига чалинмаган, лекин психоактив моддага тобе бўлганлар билан қиёслаганда ўз жонига қасд қилиш фикри ва уни амалга ошириш ҳаракатлари даражаси деярли 2 марта ортиқ. Бу ОИВ инфекциясининг борлиги ҳақидаги ҳақиқат аутоагрессив руҳий бузилишларнинг пайдо бўлиши ва психоактив модда қабул қилувчи беморлар ҳулқ-атворининг ўзгаришида хавfli омил ҳисобланади.

Бир йилдан ортиқ бўлган вақтда ОИВ ташхиси қўйилган, психоактив модда қабул қилувчи 31 беморнинг руҳий ҳолатида стандарт антиретровирус терапия (АРВ-терапия) таъсири ўрганилди. Текшириш вақтида 16 беморда турли оғирлик даражасидаги депрессив синдроми, 25 нафар беморда эса хавотирли-депрессив синдроми аниқланди. Беморлар АРВ-терапияни бир йил давомида олган эди. АРВ-терапияни бир йил давомида олган беморларда депрессив ҳолат ўзининг долзарблигини йўқотди ва ўртача ҳамда оғир

даражадаги текширилган беморлар сони камайди ва депрессиянинг энгил даражасидаги беморлар сони ортиши кузатилди. Шундай қилиб, оғир депрессив ҳолатлар 39,8% дан 17,1% ( $P < 0,001$ ) гача, ўртача ҳолат 44,8% дан 24,7% ( $P < 0,001$ ) гача пасайди. Энгил депрессия ҳолати 15,4% дан 58,2% гача ортиди. Кескин хавотирли бузилишлари бор беморлар гуруҳида депрессия даражаси деярли ўзгармади, беморларнинг бу тоифаси анксиолитик таъсирга эга антидепрессив ёндашувларни талаб қилади.

АРВ-терапиясини олувчи ОИВ-инфекциясига чалинган, психоактив модда қабул қилувчи беморларни ўрганиш натижалари беморнинг хабардорлигига асосланувчи ва уни даволаш жараёнга фаол жалб қилиш, ўз вақтида махсус ёрдам кўрсатиш депрессив бузилишларнинг редукциясига ва ОИВси бўлганларнинг ҳаётга мослашувига таъсир қилади.

Диссертациянинг «**Психоактив моддаларни истеъмол қилувчи ОИВ билан зарарланган беморларда руҳий бузилишларнинг клинко-биохимик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобда ОИВ инфицирланиш ҳақидаги хабарга нисбатан психопатологик реакциянинг клинко-биохимик хусусиятлари ўрганилди. Психоактив модда қабул қилувчи ОИВ-инфекциясига чалинган асосий гуруҳдаги 56 нафар (20,0%) бемор ОИВ-инфицирланганлиги ҳақидаги хабарга патологик реакцияси бўлган 1 қуйи гуруҳдаги ва психологик реакциялари бўлган асосий гуруҳнинг 2 қуйи гуруҳидаги 30 нафар беморларнинг клинко кузатувлари ярим йил мабойнида амалга оширилди.

Беморлар яшаш жойи, оилавий аҳволи ва маълумоти каби кўрсаткичлар орқали текширилган, изоҳлаб берилган. Биринчи қуйи гуруҳдаги психоактив модда қабул қилувчи беморлар ўртасида қаттиқ ҳаяжон ҳолатни ўлчаш жараёнида, ОИВ инфекцияси пайдо бўлиши оқибатида жуда юқори даражада қаттиқ ҳаяжон ( $\bar{x} = 173 \pm 13,8$ ) аниқланган. Қаттиқ ҳаяжоннинг ўртача даражаси ( $129 \pm 10,3$ ), хусусан, бўйдоқ ва ўрта маълумотга эга бўлган беморларда кузатилди. Олий маълумотли беморларда қоникарли мослашиш ҳолати кузатилди. Қаттиқ ҳаяжоннинг паст кўрсаткичи ( $90 \pm 7,2$ ), психологик мослашиш ҳолати характерли, қаттиқ ҳаяжонли ҳолатларда ўзини тута оладиган, ҳиссий ташвишланишни назорат қила оладиган беморларда кузатилди.

2 қуйи гуруҳдаги беморларда юқори даражада қаттиқ ҳаяжоннинг кўрсаткичлари аниқланмади, эҳтимол, бу ярим йил давомида ташхисга етарлича мослашув билан боғлиқдир. Тез-тез учрайдиган қаттиқ ҳаяжоннинг ўртача даражаси ( $118 \pm 9,4$ ) қоникарли мослашувчанлик ҳолатидан дарак беради. Қаттиқ ҳаяжоннинг паст кўрсаткичи ( $89 \pm 7,1$ ) – психологик мослашувчанлик ҳолатида беморлар анча бардошли. 2 қуйи гуруҳда ташхисга маълум вақт адаптацияси ўтказилди, беморларнинг руҳий ҳолатлари анча барқарор, рационал, беморлар қаттиқ ҳаяжонли вазиятларга осонроқ мослашади ва катта асаб-руҳий барқарорликка эга бўлади.

Асосий омил сифатида руҳий бузилишларнинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи ва барқарор психопатологик синдромларни шаклланишида ОИВ инфекциясини аниқлаш ва ташхисни маълум қилишни тасдиқлаш учун

адреналинни пешоб билан ажралиши даражаси ўрганилди. Адреналин даражасини аниқлаш учун реактив ҳолатларнинг ривожланиши бўлган (1 қуйи гуруҳ) ОИВ ташхисининг биринчи марта қўйилиши билан асосий гуруҳдаги 56 бемор, 2 қуйи гуруҳдаги қаттиқ ҳаяжонга нисбатан психологик реакцияси бўлган 30 бемор, психоактив моддага тобе бўлган назорат гуруҳидаги 30 бемор текширилди. Биринчи босқичда ОИВ хабари айtilган дақиқадан биринчи 3 суткаларда асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг пешобидаги адреналин миқдори аниқланди, иккинчи босқичда ОИВ хабарини эшитгандан кейин 6 ой ўтиб айнан шу беморларнинг пешобида адреналин сақланиши ўрганилди.

Психоактив модда қабул қилувчи ОИВ-инфекциясига чалинган беморларда адреналин маҳсулотининг юқори даражада мавжудлигининг аниқланиши, ташхис ўрнатилган дақиқалардан асосий гуруҳдаги беморлар учун хос бўлган қаттиқ ҳаяжонга барқарорликнинг пасайишидан дарак беради. Беморлардаги қаттиқ ҳаяжонли ҳолатларнинг кўрсаткичи ҳисобланган адреналин даражаси ташхис ўрнатилгандан кейин ярим йил ўтган бўлса ҳам патологик қаттиқ ҳаяжон ҳолати бўлган беморларда юқориликча қолди. Агар асосий гуруҳнинг 2 қуйи гуруҳидаги беморларда адреналин даражаси нормага келган бўлса, асосий гуруҳнинг 1 қуйи гуруҳидаги адреналин миқдори 30,4% беморларда юқориликча қолди, 1 қуйи гуруҳдаги 60,7% беморларда сезиларли даражада пасайди, ҳаммаси бўлиб 1 қуйи гуруҳдаги 8,9% беморда нормага келди.

Шундай қилиб, психоактив модда қабул қилувчи беморларда ОИВ инфекциясини аниқлашда психопатологик бузилишлар ва психологик дезадаптациясининг ривожланиш ҳавфи юқори бўлади. Бу эса пешобдаги адреналиннинг юқори даражадаги динамикасида дарак беради.

Диссертациянинг «**Психоактив моддаларни истеъмол қилувчи ОИВ билан зарарланган беморларда ижтимоий ва атроф-муҳит омилларнинг руҳий бузилиш шаклланишига таъсири ва ёрдам кўрсатишда реабилитацион жиҳатлари**» деб номланган бешинчи бобда психоактив модда қабул қилувчи, ОИВ инфекциясига чалинган беморларнинг руҳий шикастланишлар пайдо бўлиш хусусиятларини ўрганиш учун руҳий патологияларнинг пайдо бўлиши ва кечишига таъсир қилувчи конституционал-биологик, психологик, ижтимоий омилларни ўрганиш киритилди.

